

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси

Ўзбекистон тарихи фанидан

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

Жиззах 2007

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим стандартларининг давлат тизими

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

5140600-Тарих йўналиши зарурий мазмуни ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон тарихи фанидан

“Ўзбекистон тарихи” термини, унинг ўрганиш объекти, манбалари. Жамият тараққиётининг турли босқичларида Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи, ибтидоий давр тарихи, қадимги деҳқончилик маданиятининг босқичлари ва уларнинг қадимги Шарқ цивилизациясининг шаклланишдаги ўрни.

Ўзбекистон территориясида илк давлатчилик тузилмаларининг пайдо бўлишини ўрганиш. Аҳамонийларга ва грек македонияликларга қарши Марказий Осиё халқларнинг қахрамонона кураши. Антик даврнинг буюк ёдгорликлари, уларда ижтимоий иқтисодий ва маънавий бойликнинг акс этиши. Ўрта асрларнинг дастлабки ва тараққий этган даврларида Марказий Осиё давлатлари, уларнинг араблар, монгол-татарларга қарши кураши. Ўрта асрларда ижтимоий – иқтисодий муносабатлар, бу даврда ўзбек элатининг этник тарихи, маданияти, фаннинг муаммолари. Ўрта Осиёлик олимларнинг илмий соҳадаги ютуқлари ва жаҳон илм фан тараққиётига қўшган ҳиссалари.

Буюк Амир Темури ва темурийлар даври. Амир Темурнинг Ўзбекистон тарихида ва умуман дунё цивилизациясидаги роли. Ўрта Осиё хонликлари ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ижтимоий – иқтисодий ҳаёт, илм-фан ва маданият соҳасидаги ютуқлар, Ўрта Осиёнинг, жумладан, Ўзбекистон ҳудудларининг чор Россияси томонидан босиб олиниши, унинг сабаблари ва оқибатлари: 1917-1991 йилларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар; Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки қадамлари.

Қийинчиликлар ва уни ҳал қилиш йўллари, миллий истиқлол, иқтисодиёт ва мафкура соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ички ва ташқи сиёсати. Бозор иқтисодига ўтиш, аҳолини социал ҳимоя қилиш, миллий кадриятларнинг тикланиши, интеграцион жараёнларнинг чуқурлашуви.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№БД 5140600-3.01
«13» август 2006 й.



ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

фани дастури

Билим соҳаси:	100000 – Таълим
Таълим соҳаси:	140000 – Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани
Бакалавриятлар йўналиш:	5140600 -Тарих

Тошкент – 2006 й.

Тузувчилар: тарих фанлари доктори, академик Аскарлов А.А.
тарих фанлари номзоди, доцент Қосимов Э.
тарих фанлари номзоди, доцент Илҳомов З.А.

Тақризчилар: ТДАИ институти проректори, педагогика фанлари
номзоди, доцент Шоназаров Қ.Р
Низомий номидаги ТДПУ «Тарих»
факультети декани, тарих фанлари номзоди,
доцент Мансуров Ҳ.Н.

Дастур Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети
қошидаги «Таълим» ўқув-методик бирлашмасида қўриб чиқилган ва тасвир
этилган.

2006 йил « 6 » июлдаги 11-сонли мажлис баёни.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2006 йил « 8 » июлдаги 14-сонли
қайдномаси билан тасдиққа тасвир этилган.

Кириш

Ўзбекистон тарихи фанининг ўқитишдан мақсад ва вазифалар:

Бу фанни ўрганишдан кўзланган мақсад Республикамиздаги академик лицейлар ва касб - ҳунар коллежларида, шунингдек ўрта таълим тизимида фаолият кўрсатувчи бўлажак мутахассисларга Ватанимиз, халқимиз тарихига оид бўлган замон талаби даражасидаги чуқур билимларни беришдан иборат бўлиб, шу муносабат билан қуйидаги вазифалар келиб чиқади: талабаларнинг дунёқарашларини, илмий — назарий тафаккурларини такомиллаштириш, ўтмиш ва ҳозирги замондаги воқеа ва ҳодисаларга илмий ҳолислик ва тарихийлик тамойилларига амал қилган ҳолда тарихий воқеяликка муносабат билдирадиган, умуминсоний қадриятлар асосида ёндошадиган эркин фикрли комил инсонни тарбиялаш; талабаларга Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас таркибий қисми эканлигини англатиш ва уларда миллатлараро маданиятни шакллантириш; талабаларнинг ижодий фикрлашини, тарихий тафаккурини, билим олишдаги фаоллигини, мулоҳаза юритиш мустақиллигини, ўз билимини мустақил бойитишга бўлган талаби ва кўникмаларини ривожлантириш, улар учун тушунарли шаклда фактик материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида мантикий хулосалар ҳосил қилишга қўмаклашиш.

Талабалар билимига қўйиладиган талаблар. Талабалар қуйидагиларни билиши лозим: ушбу фанининг иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни ва моҳиятини; ўқитиш усуллар моҳиятини; назарий ва амалӣ машғулотлар турларини; ўқувчилар билимини текшириш усулларини; янги пед технологияларни; очик дарс ўтказиш методикасини; ноанъанавий дарс ўтказиш методикасини; мустақил ишлар ва уларни бажариш методикасини; кўргазмали қуроллар билан ишлашни ва уларни тайёрлашни; олимпиада ўтказиш методикасини; синов дарсини ўтиши лозим.

Фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси. Иқтисодий билим ва иқтисодий таълим асосларини ўқитиш методикаси барча иқтисодий фанлар, жумладан иқтисодиёт назарияси, иқтисодиёт таълимотлар тарихи, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, менежмент, маркетинг фанлари билан шунингдек, педагогика, информатика, психология фанлари билан узвий боғланган.

Ибтидоий жамоа даври

Ибтидоий жамоа даври инсоният тараққиётининг илк босқичи.

Мавзу тарихшунослиги. Ўзбекистон ҳудудининг табиий - географик шароити ва иқлими. Одамнинг пайдо бўлиши муаммолари. Антропогенез жараёни. Одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида меҳнатнинг ўрни. Археология, тарихий антропология, палеозология, археоботаника, халқ оғзаки ва ёзма ижодиётига оид манбалар. Физика, химия ва информатика манбаларининг ибтидоий жамият тарихини ўрганишдаги аҳамияти.

Ибтидоий жамоа даври

Ибтидоий жамоа даври инсоният тараққиётининг илк босқичи.

Ибтидоий жамоа тузуми тараққиётининг асосий давлари Палеолит - қадимги тош даври. Селенгур - энг қадимги инсон манзилгоҳи, Фергантроп. Тешиктош - ўрта палеолитнинг ноёб ёдгорлиги. Оловнинг кашф қилиниши. Диний тасаввурларнинг пайдо бўлиши. Қадимги одамларнинг машғулотлари. Юқори палеолит манзилгоҳлари: Самарқанд макони, Қўлбўлок, Учтут устахоналари. Она

уруғи жамоасининг шаклланиши ва тараққиёти. Мезолит (ўрта тош асри). Иқлими, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси. Мочай, Обишир, Қушилиш, Обирахмат - Мезолит маконлари. Ўқ - ёйнинг ихтиро қилиниши. Ҳайвонларни хонакилаштириш. Палеолит ва мезолит даврида тасвирий санъат. Зараутсой, Сармиш, Паркент, Ҳўжабод қоятош суратлари. Неолит (Янги тош) даври. Иқлими, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси. Дехқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши. Жойтун, Хисор, Калтаминор маданиятлари. Неолит даври одамларининг диний қарашлари. Энеолит (мис тош) даври. Металлнинг кашф этилиши ва унинг инсоният тарихидаги аҳамияти. Саразм ва Замонбобо маданиятлари. Бронза (Жез) даври. Биринчи йирик меҳнат тақсимотининг бошланиши. Кулолсозлик, туқимачилик, меъморчиликнинг ривожланиши. Она уруғининг емирилиши ва ота уруғининг вужудга келиши. Темир даври. Темирнинг кашф қилиниши ва унинг ўрта Осиё маданиятининг ривожланишидаги аҳамияти. Турар жойлар, хунармандчилик, деҳқончилик ва чорвачилик. "Авесто" - Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда муҳим манба.

Ўрта Осиё худудида дастлабки давлатларнинг вужудга келиши.

Ўрта Осиё худудида тарихий - маданий ўлкаларнинг ташкил топиши.

Бактрия, Сўғдиёна, Хоразм, Парфия, Марғиёна. Дастлабки давлатлар: "Катта Хоразм", "Қадимги Бактрия" давлатларининг ташкил топиши. Бу давлатларда яшаган аҳолининг этник таркиби: массагетлар, саклар уларнинг жойлашуви. Хоразмликлар, бактрияликлар, Сўғдликларнинг турмуш тарзи, машғулоти: деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, кулолсозлик, туқимачилик, металлсозлик, заргарлик. Уларнинг диний эътиқодлари. Илк шаҳарлар: Қизилтепа, Даратепа, Ўзунқир, Афросиёб, Кўктепа, Ерқўрғон, Кўзалиқир. Шаҳарлардаги бинолар. Биринчи магистрал суғориш иншоотлари ва қўрғонлар. Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида Ўрта Осиё халқлари маданияти.

Милоддан аввалги VI - IV асрларда Ўзбекистон худудида яшаган

халқларнинг озодлик ва эрк учун олиб борган курашлари.

Эрон аҳманийлари ҳукмдорининг Ватанимиз худудларига босқинчилик юришлари. Уларга қарши кураш. Марғиёнада Фрада кўзғолони. Ўрта Осиёда аҳманийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Хоразмнинг аҳманийлар таъсиридан қутилиб мустақил давлатга айланиши.

Мил. ав. 329 йилда Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга юришлари. Ўрта Осиё халқларининг юнон — македониялик босқинчиларига қарши қахрамонона курашлари. Искандарнинг Ҳиндистонга юриши. Искандар вафотидан сўнг империянинг парчаланиб кетиши.

Ўрта Осиёдаги Қадимги давлатлар. (Мил.ав. IV – мил. V асрлар).

Мавзунинг тарихшунослиги. Салавкийлар давлатининг вужудга келиши. Худуди ва аҳолисининг этник таркиби. Ўрта Осиё салавкийлар давлати таркибида. Салавкийлар давлатида бошқариш тизими. Шарқий вилоятларнинг салавкийлар давлати иқтисодиётида тутган ўрни. Салавка, Антиох I ларнинг подшолик даври. Салавкийлар ва кучманчи аҳоли. Салавканинг Ҳиндистонга юришлари, мағлубияти ва оқибатлари, Антиох I нинг пул сиёсати. Шарқий вилоятнинг мустақилликка интилиши.

Юнон - Бактрия давлати.

Юнон - Бактрия давлатининг ташкил топиши. Унинг ҳудудлари, аҳолисининг этник таркиби, табиати ва иқлими. Бактрия ёзма манбаларда "1000 шаҳарли ўлка". Шаҳар меъморчилиги. Дехқончилик, ҳунармандчиликнинг тараққиёти. Кулолсозлик, заргарлик. Эллин ва маҳаллий маданий анъаналарнинг ўзаро таъсири. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати. Товар – пул муносабатлари.

Юнон – Бактрия давлатининг инқирозга юз тутиши. Юнон -Бактрия маданияти: ёзув, адабиёт, санъат, диний эътиқодлар.

Қадимги Хоразм

Қадимги Хоразм давлати тўғрисида тарихий ёзма манбалар. Массagetлар Хоразмликларнинг аجدодлари. Қўйқирилган қалъа. Қадимги Хоразм давлатининг пойтахти. Ёзув маданияти, пул муомаласи, амалий тасвирий ва меъморчилик санъатининг ривожланиши.

Қанғ давлати.

Қанғ давлатининг ташкил топиши, унинг ҳудудлари, аҳолиси этник таркиби. Қанғ давлатининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. Қанғ давлати тараққиётида "Буюк ипак йўли" нинг тутган ўрни. Қанға федерацияси. Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цяннинг Қанғ давлати ҳақида берган маълумотлари.

Қадимги Фарғона

Қадимги Фарғона- Довон подшолигининг ташкил топиши, унинг чегаравий ҳудудлари. Аҳолиси ва этник таркиби. Фарғона аҳолисининг турмуш тарзи, касб - ҳунари, тили ва маданияти. Довон подшолиги ҳақида Хитой манбалари. Фарғона ва Хитой ўртасидаги урушлар. Фарғонанинг машҳур отлари. Довон - 70 шаҳарли ўлка. Марҳамат, Эски Аҳси, Касон. Шаҳар меъморчилиги. Савдо, деҳқончилик, боғдорчилик ва узумчиликнинг тараққиёти. Диний қарашлар.

Кушон подшолиги.

Юэ - эчжи қабилаларининг Бактрияга келиб жойлашуви. Юэ - эчжи қабилаларининг 5 ҳокимлик: Шуанми, Гуйшуан, Хисэ, Хюми, Думи -ўртасида тақсимланиш. Гуйшуан (Кушан) ҳокими Кадфизнинг Кушон подшолигига асос солиши. Кушон подшолигининг Афғонистон, ғарбий Покистон, Ҳиндистон ҳисобига кенгайиши. Кадфиз ислохотлари. Қанишка даврида Кушон — Бактрия тилининг давлат тили сифатида қабул қилиниши. Диний ва бошқа ислохотлар. Шаҳарлар қурилиши. Йирик сунъий суғориш иншоатларининг барпо қилиниши. Дехқончилик, ҳунармандчилик, шаҳар меъморчилиги, ҳайкалтарошлик санъати. Товар - пул муносабатлари. Ички ва ташқи савдо. Диний эътиқодлар. Ўрта Осиёда буддавийлик динининг тарқалиши. Кушонлар санъати: девордаги расмлар, монументал ҳайкалтарошлик, ҳайкалчалар. Қўшни мамлакатлар билан савдо ва маданий алоқалар. Жаҳон маданияти тараққиётида Кушон даври маданиятининг тутган ўрни. Кушон подшолиги инқрози, унинг сабаблари.

Буюк ипак йўли.

Мавзунинг тарихшунослиги. Ипакнинг дастлабки ватани. Афсоналар ва тарихий ҳақиқат. Ипак йўли ва унинг пайдо бўлиши. Унинг тармоқлари, йўналишлари. Ипак йўлининг Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги ўрни. Ипак йўлининг Шарқ ва Ғарбни савдо – иқтисодий, сиёсий, маданий, диний жиҳатдан боғлаши. Буюк ипак йўлининг халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик ўрнатишдаги роли.

Ўрта Осиё ерга эгалик муносабатларининг шаклланиши даврида

(V - VIII асрлар)

Эфталитлар давлати.

Мавзунинг тарихшунослиги. Хионийлар, Кидарийлар, Афригийлар, Эфталитлар. Эфталитларнинг Ўрта Осиёга юриши. Ўрта Осиёда Эфталитлар давлатининг ташкил топиши. Эфталитлар давлати ҳудудлари, аҳолисининг этник таркиби. Ижтимоий – иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар.

Ерга эгалик муносабатларининг шаклланиши. Маздак қўзғолони. Янги сунъий суғориш иншоотларининг барпо қилиниши. "Дехқон" қароргохлари, улар атрофида янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши. Дехқончилик ва хунармандчилик. Ички ва ташқи савдо. Пул муносабатлари. Меъморчилик, тасвирий санъат. Жартепа, Болаликтепа расмлари. Диний эътиқодлар, анъаналар. Наврўз маросими. Эфталитлар хати.

Ўрта Осиё халқлари Турк ҳақонлиги таркибида (VI - VIII аср бошлари)

Мавзунинг тарихшунослиги. Турк ҳақонлигининг ташкил топиши. Туркларнинг ғарбга юришлари. Сосонийлар билан Турклар иттифоқи. Эфталитлар ва туркларнинг тўқнашуви. Эфталитлар мағлубияти. Ўрта Осиёнинг Турк ҳақонлиги тасарруфига ўтиши. Турк - Эрон муносабатларининг кескинлашуви. Византия билан дипломатик муносабатлар. Турк ҳақонлигининг ҳудудлари, аҳолиси этник таркиби. Мамлакатни бошқариш усули. Ҳақон - давлат бошлиғи. Лавозимлар, мустақил ҳокимликлар. Турк ҳақонлигининг ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетиши. Обруй қўзғолони ва унинг бостирилиши. Будунлар, қора будунлар, беклар, хунармандлар. савдогарлар. Аҳолининг асосий машғулоти: деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик. Қаср қўрғонларнинг пайдо бўлиши. Ички ва ташқи савдо. Карвон савдоси. "Буюк ипак йўлида" янги йўللار ва янги имкониятлар. Шаҳарлар. Қишлоқларда "кўшк", "қаср", "қўрғон". "қўрғонча"ларнинг қад кўтариши. Меъморчилик, тасвирий санъат. Ёзув: Хоразм, Сўғд, Тохаристон ёзувлари. Турк, Энасой-Урхун ёзувлари. Олтой ёдномаси ва култакин битиклари. Диний қарашлар; Зардуштийлик, будда, насора, моний ва қам (шомонлик). Турк ҳақонлигининг инкирозга юз тутиши.

Мовароуннахрнинг араблар томонидан истило қилиниши ва мустамлакачилик сиёсатига қарши халқ ҳаракатлари.

Араб ҳалифалигининг ташкил топиши ва Мовароуннахр ерларининг араб босқинчилари томонидан истило қилиниши.

Мавзунинг тарихшунослиги. Арабистон ярим оролида араб ҳалифалигининг ташкил топиши. Арабларнинг қўшни ҳудудларга тажовўзкорлик юришлари.

Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилинишининг икки даври. Арабларнинг Мовароуннахрдаги мустамлакачилик сиёсати:

Мустамлакачиларнинг ўзларини "саҳобалар" деб маҳаллий аҳолининг урф-одатларини, эътиқодларини ва маданиятини менсимаслиги. Араб ёзуви, араб тилининг давлат мақомини олиши, Бошқарув. Солиқлар: "Жизъя", "Хирож", "Закот" ва бошқалар. Ислоннинг мажбуран маҳаллий аҳолига қабўл қилдирилиши. Моддий бойликларнинг ҳалифалик марказига ташиб кетилиши. Аҳолининг иқтисодий-ижтимоий аҳволининг ёмонлашуви.

Арабларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши маҳаллий халқ кўзғолонлари Сўғддаги 720-722 йиллардаги Гурак ва Диваштичлар бошчилигидаги кўзғолонлар. Кўзғолоннинг бостирилиши, Диваштичнинг қатл қилиниши. 723 - 728 йиллардаги Фарғона, Шош, Насаф, Хуттолон, Сўғдда кўтарилган кўзғолонлар. 736-737 йилларда Тохаристон ва Сўғдда кўтарилган кўзғолонлар. Араб ҳалифаси Наср ибн Сайёрнинг молия ислоҳоти. Араб мустамлакачиларининг маҳаллий аҳоли билан яқинлашиши. Ҳалифаликнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги кескин ўзгаришлар. Сулолавий курашнинг бошланиши. Уммавийларга қарши Абу Муслим бошчилигидаги кўзғолон ва унинг аҳамияти. Маҳаллий халқ ахволининг оғирлашуви. Бухорода Шарик ибн Шайхулмахри бошчилигидаги кўзғолон. Кўзғолоннинг бостирилиши. Муқанна бошчилигидаги "Оқ кийимлилар" кўзғолони. Кўзғолоннинг енгилиши сабаблари ва оқибатлари.

Ўрта Осиё мустақил давлатларнинг ташкил топиши. (IX - XII асрлар)

Мавзу тарихшунослиги. VIII аср охири-IX аср бошларида Араб ҳалифалигидаги танглик. Ҳалифаликнинг заифлашуви ва мустақил давлатларнинг ташкил топиши. Қарлуқлар, Уғўзлар давлатлари. Бу давлатларнинг ташкил топишидаги тарихий шарт-шароитлар. Уларнинг ҳудуди, аҳолиёи ва машғулотлари, диний эътиқодлари.

Тоҳирийлар давлатининг пайдо бўлиши, Давлат бошқаруви. Солиқ сиёсати. Халқ ахволининг оғирлашуви. Ҳазийлар ҳаракати. (IX аср 60 йиллари) Саффорийлар давлатининг ташкил топиши.

Сомонийлар давлати.

Мавзу тарихшунослиги. Мовароуннаҳрда мустамлакачилик зулмига жиддий таъсир кўрсатган Рофе ибн Лайс бошчилигидаги 806 йил кўзғолони. Мовароуннаҳрда сомонийларнинг сиёсий ҳаётга кириб келиши:

Наср Сомонийнинг Мовароуннаҳрни барча вилоятларини бирлаштириш учун кўрган тадбирлари. Исмоилнинг Бухорога ноиб этиб тайинланиши. Унинг мустақил сиёсат юритиши. Исмоил сомоний - йирик давлат арбоби. Унинг давлатни бошқариш ва ҳарбий соҳадаги ислоҳотлари. Исмоил сомонийнинг кучманчилар устига қарши юришлари. Сомонийлар давлатининг марказий ва вилоят бошқармалари. Сомонийлар давлатида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт. Қишлоқ ҳўжалиги, ер эғалиги, ҳунармандчилик, кончиликнинг ривожланиши. Ички ва ташқи савдо. Пул муомаласи. Ички зиддиятлар тахт учун ўзаро курашлар. Сомонийлар давлатиинг заифлашуви ва инқирози.

Қорахонийлар давлати.

Мавзунинг тарихшунослиги. Еттисув ва Қошғарда Қорахонийлар давлатининг ташкил топишидаги тарихий шарт-шароитлар. Қарлуқлар, жигилар (чигил), яғмолар, тухси ва арғулларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти. X асрда бу қабилаларнинг утروق деҳқончиликка утиши. Еттисув ва Қашғар қабилаларининг Абдулқарим (955-956 йилларда вафот этган) исми билан машҳур бўлган Сатук томонидан бирлаштирилиши. Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрга ҳужуми. Хоразм давлати. Қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасидаги муносабатлар. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт. Марказлаштирилган давлат тизимининг емирилиши. Удел тизими асосида мамлакатни бошқарув. Солиқлар, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо.

Қорахонийлар давлатининг икки мустақил давлатга ажиралиши. Қорахонийлар ва Салжуқийлар ўртасида муносабатлар.

Ғазнавийлар давлати.

Мавзу тарихшунослиги. Ғазнада мустақил ҳокимлик ўрнатиш учун ҳаракат. Алптакин-Ғазна ҳукмдори. (962 и.) Собуқтакин ҳукмронлиги (977-997 и.). Махмуд Ғазнавий (998-1030 и.) ғазнавийлар давлатининг асосчиси. Махмуднинг Қорахонийлар билан муносабати. Махмуд Ғазнавий ва Салжуқийлар. ғазоват шиори остида шимолий Ҳиндистонга юришлар.

Султон Маъсуд ҳукмронлиги. Ғазнавийлар ва Салжуқийлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви. Данданакон (1040 и.) ёнидаги жанг. Султон Маъсуд қўшинининг енгилиши ғазнавийлар давлатининг инкирози.

Салжуқийлар давлати.

Мавзунинг тарихшунослиги. Салжуқийлар ҳаракатининг вужудга келиши. Салжуқийлар ва ғазнавийлар муносабатлари. Салжуқийларнинг Валхон тоғларига, Дехистон, Ироқи Ажам, Арманистон ва Озарбайжон ерларига қўчиб кетиши. Салжуқийлар ва Султон Маъсуд ўртасидаги кураш.

Буюк Салжуқийлар давлатининг ташкил топиши. Туғрулбек Салжуқийлар давлатининг бошлиғи (1038-1063) Ироқи Ажам, Озарбайжон, Курдистон, Кухистон ерларнинг Салжуқийларга ўтиши. Буюк Салжуқийлар салтанати, унинг ҳудудлари, аҳолиси. Арслон ва маликшоҳ ҳукмронлиги даврида Салжуқийлар давлати. Бошқарув сиёсати. Низомулмулк ва унинг "Сиёсатнома" асари. Султон Санжар (III8-II57) ҳукмронлиги. Қорахонийлар билан муносабатлар. Самарқанднинг олиниши. (1130). XII аср бошларида шарқдан кучманчи Қорахитойларнинг Мовароуннахрга ҳужуми. Катвон жанги. Қорахитойлар (1141) ғалабаси. Салжуқийлар буюк давлатининг инқироз сари юз тутиши.

Хоразмшоҳлар давлати.

Мавзу тарихшунослиги. Хоразм мустақиллигининг Махмуд Ғазнавий томонидан тугатилиши. Ануштакин - Хоразм ноиб. Қутбиддин Муҳаммад (I097-II27) томонидан "Хоразмшоҳ" унвонининг тикланиши. Хоразмнинг мустақиллиги учун кураши. Аловуддин Отсиз (1127-1156) мохир дипломат, ғайратли лашкарбоши. Эларслон (1156-1172) ва Аловуддин Такаш (1172-1200) ҳукмронлиги даврида Хоразмнинг кенгайиши. Мамлакатда иқтисодий юксалиш, шаҳарларнинг гуллаб-яшнаши. Урганчининг халқаро аҳамиятга эга бўлган шаҳарга айланиши. Аловуддин Муҳаммад (1200-1220) - Шарқда энг кучли ҳарбий қўшин эгаси. Бухородаги Малик Санжар қўзғолони. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг "Искандарий Соний" деб аталиши. XIII аср бошларида Хоразмшоҳлар давлатининг сиёсий аҳволи. Аҳолининг таркиби. Иқтисод ерлари. Давлатнинг ички аҳволи. Туркон хотиннинг давлатдаги мавқеи. Ички эиддиятларнинг кескинлашуви. Муҳаммад Хоразмшоҳ ва Чингизхон, уларнинг дипломатик муносабатлари, бу муносабатларнинг кескинлашуви. Жалолиддин Мангуберди, Шаҳобиддин Хивакӣ, Нажмиддин Кубро ва бошқа ватанпарварларнинг ички ва ташқи сиёсат бобидаги ҳаракатлари.

Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаёти

(IX - XП асрлар)

Илм фан ва маданият.

Мавзу тарихшунослиги. IV-VII асрларда Мовароуннахр ва Хоразмда ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг аҳоли маданий ҳаётига таъсири. Шарқда уйғониш даври. Боғдод ва Хоразмда "Байтул - хикма" - донишмандлар уйи. Ислом шарқининг Фанлар Академиясини ташкил топиши. IX-XII ағдәәдда яшаган Ўдәә Оғәәлик буюк алломалар- Мусо әә-Ойдаәиәә (783-850), Әәхәәә Оәдәғиәәә (әәдәиәәә 797-865), Абу Наср Форобий (873-950), Абу Бакр ал-Хоразмий (935-993), Әәә Фәәхәи Әәдәиәәә (973-1048), Әәә Әәә Әәә Нәәи (980-1037), Әәиәәә Әәдәәиәәә (1042-1136), Махмуд аз-Ҷәәәдәәдәәә (1075-1144), Әәхәәәә Қәәғәдәәә (XI-әәғ), Рәәәә Ойғәәәә (XI-әәғ) ва бошқалар ўсларининг әәәиәәәә әәәиәәәәдәәә, ўдәәәәәәә ўлмас әәәдәәәдәә.

Суфийлик таълимоти. Тасаввуф.

IV - VII асрларда Мовароуннахр ва Хоразмда меъморчилик Санъат ривожининг янги босқичи. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Ўзган, Марв шаҳарларида янги биноларнинг қад кўтариши. Ноёб меъморчилик ёдгорликлари: Исмоил Сомоний, Араб ота, Мирсаид Баҳром мақбаралари. Номозгоҳ Минораи Калон, Вобкент, Жарқўрғон миноралари.

Синчкорлик иморатларининг кенг тарқалиши. Хаттотлик санъати. Меъморий нақш услуби. Мусиқа санъати. Чолғу асбобларининг ҳилма-хиллиги.

Ўзбекларнинг халқ сифатида шаклланиши ҳақида. фандаги мавжуд карашлар.

Мавзунинг тарихшунослиги. Ўзбеклар халқ сифатида шаклланиши тўғрисида
 го я, қараш ва ёндошувлар. Тарихий манбаларда ўзбеклар атамаларининг
 кулланила бошланишидаги тарихий шарт - шароитлар. VII-VIII аъдөөдәә аó аđää
 оóдөөеё òàёкёäðíеíä ёўíàееä áîдèøè. Бу даврда туркий ва форсий тилли элатлар
 ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик уларнинг тилларига ҳам таъсир
 қилганлиги. Қорахонийлар ҳукмронлиги даври (X-XII аъдөөаđ)ää ÷èгèè ёàхæàñè
 дèâîæеäíеä ўзбек халқининг ääääее òèи ääðæàñèää ёўòàдèеишè. Бу даврда Рñóô
 Ôîñ Xîæеäíеíä "Қóòääғó áееèè" (XI аъд), Ìàхìöä Кîғàдèеéíеä "Àñîñ оé-ääеíää",
 "Íóқääääìàò оé àðää", "Äåâîиè ёóғàдèèò оóдè" ёäаé ёèдèè àñàдèèàдè ìæäî áўёганлигè
 ўзбеклар Турон-у заминда ўтрок ҳаёт кечириб, дехқончилик маданиятини тараққий
 эттирган халқ эканлиги.

**Муғулларнинг марказлашган давлатининг ташкил топиши ва қушни
худудларга истилочилик юришлари.**

Мавзу тарихшунослиги. Муғулларни бир марказлашган давлатга бирлаштириш учун кураш. Темучин (Чингизхон) қўл остида марказлашган ҳарбий - деспотик Муғул давлатининг (1206) ташкил топиши. Қорақум қалъасининг муғул давлати пойтахтига айланиши. "Ёсоқ" -қонунлари мажмуининг қабул қилиниши."Ёсоқ"нинг асосий қоидаларининг мазмуни. Чингизхон - йирик давлат арбоби ва лашкарбоши (1155-1227). Чингизхоннинг дастлабки истилочилик юришлари. Найманлар (1206), Енисей қалъаси (1207-1208), Еттисув вилояти, Шарқий Туркистон ераларининг босиб олиниши. Хитой (1211-1215)ерларининг муғуллар давлатига қушиб олиниши. Чингизхон нигоҳининг ғарбга – Хоразмшоҳлар салтанатига қаратилиши. Бу борада савдо-элчилик алоқаларининг ўрнатилиши.

Чингизхон бошчилигидаги муғул босқинчиларининг Ўрта Осиё ерларига қилган истилочилик юришлари.

XIII аср бошларида хоразмшоҳлар давлатининг сиёсий ҳолати. Хоразмшоҳ ва маҳаллий ҳукумдорлар орасидаги мавжуд зиддиятлар. Солиқлар ва хашарларнинг купайиши. Муғулларнинг хоразмшоҳлар давлати ҳудудига юришларининг бошланиши. Муғул қушинларининг тўрт қисмга бўлиниб ҳаракат қилиши. Утзор (1219) мудофааси. Босқинчиларнинг Мовароуннаҳрдаги кўрсатган мислсиз ёвўзликлари. Бухоро (1220), Самарқанд (1220), Хўжанд (1220), Тошкентнинг ишғол қилиниши. Маҳаллий аҳолининг босқинчиларга қарши олиб борган озодлик курашлари. Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро каби халқ қахрамонларининг жасоратлари. Сарбадорлар ҳаракатининг бошланиши. Сарбадорларнинг муғул хони Илёсхўжага берган зарбаси. Муғуллар истилосининг оқибатлари.

Муғулларнинг мустамлакачилик шароитида

Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт.

Маҳаллий задогонлар ва рухонийларнинг муғуллар хизматига ўтиши. Маҳаллий аҳолининг икки томонлама таланиши. Халқ норозилигининг ошиши. Маҳмуд Торобий кўзғолони.

XIII аср ўрталарида муғуллар давлатининг умумий - сиёсий ахволи. Чингизийларнинг бош ҳукмронлик учун кураши. Мовароуннаҳрнинг Боту томонидан эгалланиши. Олғуҳон томонидан Чигатойлар улусининг қайта тикланиши. Чигатой улусида муғулларнинг ўтроқликка ўтиш жараёнининг кучайиши. Муғул хонларининг мамлакатни бошқариш идораларини Мовароуннаҳрда кучириши. Кебекхон (1318-1326 и), Тармашарин (1326-1334 и) лар даврида Мовароуннаҳрда юз берган муҳим ўзгаришлар. Кебекхоннинг маъмурий ва пул ислоҳати.

XIV асрнинг 40 йилларида чигатой улусининг иккига бўлиниши. Ўлкада сиёсий беқарорлик, ўзаро урушларнинг кучайиши.

Муғуллар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрдаги маданий ҳаёт.

Ўрта Осиё Амир Темур ва Темурийлар даврида.

(XIV асрнинг II ярми XV аср)

XIV асрнинг II ярмида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол.

Мавзу тарихшунослиги. XIV асрнинг 50-60 йилларида Мовароуннаҳрдаги феодал тарқоқлик. Сиёсий поракандалик ўзаро урушлар оқибати. Муғилистон амирларининг Мовароуннаҳрни босиб олиш учун ҳаракатлари.

Амир Темур давлатининг ташкил топиши.

Мавзу тарихшунослиги. Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг ўрни. XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннахрда сиёсий – иқтисодий вазиятнинг оғирлашуви. Амир Темурнинг сиёсат майдонига кириб келиши. Амир Темур ва Амир Хусайн ўртасидаги муносабатлар. "Жанги лой"(1365). Темур ва сарбодарлар. Амир Хусайн шахси. Амир Темур (1370-1405) Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори.

Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари, унинг сабаблари. Кундўзча ва Терак дарёси бўйидаги жанглар жаҳон ҳарбий санъати тарихида янги саҳифа очиши. Амир Темурнинг Тухтамишхон устидан ғалабасининг Шарқий Европа мамлакатлари учун аҳамияти. Эрон, Ҳиндистон ва Кичик Осиёга қилинган юришлар. Анқара жанги - Темурнинг буюк саркардалик қобилияти ва маҳоратининг рамзи. Соҳибқироннинг ҳарбий юришлардаги зафарларининг манбалари.

Амир Темур давлатидаги ички ҳаёт.

Давлатнинг марказий маъмурияти. Мовароуннахрдан ташқаридаги ерларнинг турт улусга бўлиниши. Суюрғол тизими. ҳарбий ислоҳат ва қушиннинг тўзилиши. Амир Темур замонасининг машҳур саркардаси. "Темур тузуклари" давлат бошқаруви ва ҳарбий санъатини намоён қилувчи асардир. Амир Темурнинг илм - фан ривожига эътибори. Мамлакатни ободончилигига алоҳида аҳамият бериши.

Амир Темурнинг ғарбий Оврупо давлатлари билан алоқалари.

Темур давлатининг жаҳон сиёсий доираларига таъсири. Амир Темурнинг Туркия султони Баязид билан ўзаро дипломатик ёзишмалари. Византия императори, Франция киролининг Темурдан ёрдам сўраб қилган мурожаатлари. Темур ва Константинополь ноиб Иоханн VII Палеолог ёзишмалари. Франция кироли Карл VI (1360-1422), Англия кироли Генрих IV (1399-1413), Кастилия ва Лион кироли Генрих III Трастамара (1390-1407) билан дипломатик алоқалар ўрнатилиши. Анқара (1402) жангидан кейин ғарбий Оврупо давлатлари билан алоқалар мазмунининг тубдан ўзгариши. Дипломатик алоқалар ўрнатилишида Ватиканнинг ўрни. Савдо алоқаларининг жонланиши. Испания элчиси Руй Гонзалес де Клавихо. Унинг "Буюк Темур" тарихи номли эсдаликлари.

Темурийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросон. (XV аср)

Мавзу тарихшунослиги. Темур салтанатининг парчаланиши. Ўрта Осиё ва Хуросонда мустақил давлатларнинг ташкил топиши.

Мирзо Улуғбек (1394-1449) - Мовароуннахр ҳукмдори.

XV асрнинг II ярмида Мовароуннахр ва Хуросондаги ижтимоий-сийсий аҳвол.

Хуросонда Султон Хусайн Бойқора (1469-1506) давлати. Унинг юксалиши ва заиф томонлари.

Алишер Навоий (1441-1501) - йирик давлат арбоби, илм маърифат ҳомийси.

Темурийлар давлатида ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар.

Сўғориш ва қишлоқ хўжалиги сўғорма деҳқончиликнинг ривожланиши.

Яйлов чорвачилиги: йилқичилик, қорақулчилик, туячилик, подачилик. Ер эгалиги ва солиқ турлари.

Хунармандчилик: туқимачилик, кулолчилик, чилангарлик, темирчилик, бинокорлик. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохрухия, Термиз, Шахрисабз, Қарши - ўрта асрнинг намунали хунармандчилиги ва савдо марказлари. Ички ва ташқи савдо.

Амир Темур ва темурийлар даври маданияти.

Мавзу тарихшунослиги. Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси. Мовароуннахрда илм-фан ва маданият. Самарқанд, Бухоро. Ғиждувон. Шахрисабз ва бошқа шаҳарларда меъморий бинолар-мадрасалар. Улуғбек расадхонаси. Илм-фан арбоблари Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший (вафоти 1429), Мирзо Улуғбек (1394-1449), Алоуддин Али Қушчи (вафоти 1474), Мирим Чалабий, Давлатшоҳ Самарқандий (тах.1435-1495), Ҳафизу Абру, Абдураззоқ Самарқандий (1313-1482), Мирхонд (1433-1498), Хондамир(1473-1534),Баҳоуддин Нақшбандий (1318-1389) ва бошқалар.

Ислом алломалари - Ҳўжа Ахрор Валий (1404-1490), бадий адабиёт даҳолари. "Самарқанд академияси". Меъморчилик, наққошлик, тасвирий санъат.

Китоб санъати, хаттотлик, мусаввирлик, лаввохлик (лавҳа чизиш) ва саҳхофлик (муқовасозлик).

Тасвирий санъат. XV аср тасвирий санъатининг улуғ намоёндалари.

XIV-XV асрларда мусиқа санъати. Мохир санъаткорлар – машшоқлар, бастакорлар, хофизлар.

Ўрта Осиё хонликлар даврида.

Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлиги. Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари (XVI - XIX асрнинг I ярми)

Мавзу тарихшунослиги. XV асрнинг II ярмида Дашти қипчоқдаги сиёсий вазият. Абўлхайрхон (1412-1468) бошчилигида ўзбек давлатининг ташкил топиши.

Шайбонийлар давлати. Шайбонихоннинг ички сиёсати. ҳокимиятни марказлаштириш. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) . Самарқанд тахти учун кураш Шайбонийхоннинг кейинги юришлари.

Удел тизими. Убайдулла Султон (1533-1539) ҳукмронлиги. Абдуллахон (1557-1598). Абдуллахон даврида маданий марказлаштириш сиёсати. қўшни мамлакатлар билан муносабатлар. Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги инқирози (1601), унинг сабаблари.

Аштархонийлар (1601-1756) (жонийлар) нинг ҳокимият тепасига келиши. Имомқулихоннинг ҳукмронлиги (1611-1642). Тошкентдаги воқеалар. Хон ва қабилар зодагонлари ўртасида муносабатлар. Нодир Муҳаммад (1642-1645) ва Абдулазиз (1645-1681) ҳукмронлиги. Ўзаро феодал урушларнинг натижалари. Субхонқулихон (1681-1701)ҳукмронлиги. Бухоро, Хива муносабатлари. Убайдуллахон (1702-1711) ва унинг сиёсати. Пул ислоҳоти ва унинг оқибатларн. Абўлфайзхон (1711-1747) ҳукмронлиги. Нодиршоҳнинг истилочилик юришлари (1736, 1740, 1747) ва уларнинг оқибатлари.

Бухоро хонлигининг маъмурий бошқаруви. XVI - XVIII асрнинг 1 ярмида қишлоқ ҳўжалиги: қишлоқ ҳўжалик экинлари, чорвачилик. Ер мулкчилигининг шакллари. Шаҳар ҳаёти. Шаҳар аҳолиси ва иқтисодиёти. Хунармандчилик ва унинг асосий тармоқлари. Ички савдо. Ташқи савдо. Шайбонийлар ва аштархонийлар даврида илм-фан ва маданият. Бухоро хонлигида манғитлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши ва амирлик бошқарувининг жорий қилиниши. (Муҳаммад Раҳим (1756 расман тахтга ўтиради), Дониёлбий (1759-1784), Шохмурод (1785-1800), Амир Ҳайдар (1800-1826), Амир Насрулло (1826-1860) ва бошқалар.) Шохмурод ўтказган

ислохатлар. Бухоро амирлигининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳволи. Бухоро амирлигининг чет мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари.

XVI аср бошларида Хоразм. Хива хонлигининг ташкил топиши. Араб Муҳаммад (1602-1623), Исфандиёрхон (1623-1643), Абўлғози Баходирхон (1643-1663), Анушахон (1663-1687), Шоҳ Ниёзхон (1688-1702), Араб Муҳаммад (1702-1714), Шерғозихон (1715-1728), Элбарсхон (1728-1740), ҳукмронлиги даврлари. Россиянинг Хивага уюштирган ҳарбий экспедицияси ва унинг натижалари. Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Хиванинг эгаллаши (1740). Хива мустақиллигининг тикланиши. Иноқлар ҳукмронлиги. Иноқ Муҳаммад Амин (1763-1790). Аваз Иноқ (1790-1804), Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги. Муҳаммад Раҳим I (1806-1825), Оллоқўлихон (1825-1842), Муҳаммад Аминхон (1845-1855) Абдуллахон (1855-1856) ва Сайд Муҳаммад Раҳимхон II (1865-1910) (Ферўз) ҳукмронлиги даври. Хива хонлиги ҳудудлари ва аҳолиси, қишлоқ ҳўжалиги. Хунармандчилик ва шаҳарлар. Савдо. Меҳнаткаш халқ аҳволи. Хорижий мамлакатлар билан муносабатлар.

Қўқон хонлигининг ташкил топиши. Қўқон хонлигининг сиёсий ҳаёти. Шохрухбий (1710-1721), Эрданабий (1751-1753), Олимхон (1801-1810), Умархон-Амирий (1810-1820), Муҳаммад Алихон (1821-1842), Шералихон (1842-1845), Худоёрхон (1845-1858, 1863- 4 ой, 1865-1875), ҳукмронлиги. Қўқон хонлигининг ҳудуди ва аҳолиси. Қишлоқ ҳўжалиги. Шаҳарлар. Солиқлар ва мажбуриятлар. Қўқон хонлигининг Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Россия билан муносабатлари.

XVI аср ва XIX асрнинг I ярмида Қорақалпоқлар. Қорақалпоқлар тўғрисида илк маълумотлар. Қорақалпоқлар жойлашган ҳудудлар. Қорақалпоқларнинг этник тарихи. Уларнинг машғулоти: деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик. Қорақалпоқларнинг Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари билан қозоқ жўзлари ва Россия билан ўзаро муносабатлари. Қорақалпоқ халқининг озодлик учун курашлари (1827-1828 й), (1855 й). (1858-1859 й).

Ўрта Осиёнинг Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Туркия давлатлари билан савдо ва дипломатик алоқалари. Россиянинг ўрта Осиёга юборган элчилари. Ўрта Осиё масаласида рус - инглиз рақобати. Россия ҳукуматининг Ўрта Осиё хонликларида ўз таъсирини қарор топтириш йўлидаги ҳаракатлари. Россия - Ўрта Осиё муносабатларининг қескинлашуви.

Ўрта Осиё халқларининг турмуш ва маданияти.

XIX асрнинг II ярмида ўрта Осиё хонликларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти.

Мавзу тарихшунослиги. XIX асрнинг II ярмида ўзбек хонликларининг ижтимоий аҳволи. Феодал муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари. Хонликда ер эгалиги шакллари. Сув муаммоси. Ички ва ташқи савдо.

XIX асрнинг II ярмида Ўрта Осиё халқлари маданияти ва санъати. XIX асрнинг II ярмида тарихий шароит ва унинг маданий ҳаётга таъсири. Мактаблар. Мадрасалар. Илму-фан намоёндалари. Маърифатпарвар шоир ва ёзувчилар: Аҳмад Дониш, Очилда Мурод Мирий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Муҳаммад Аминхўжа Мирзохўжа ўғли Муқумий, Маъсумхон Гулҳаний, Рожий Хукандий, Исҳоқжон Жунайдуллахўжа ўғли Тура Кургоний (Ибрат), Зокиржон Фурқат, Бердак, Тошкандий, Завқий, Анбар Отин, Дилшод, Мискин ва бошқалар.

Тарихшунослик ва хаттотлик. адабиёт, санъат ва халқ группалари, кизикчилик. Меъморчилик, табобат. Халқ табобатининг анъаналари.

Туркистон подшо Россияси мустамлакаси.

(XIX аср II ярми -1917 йил)

Ўрта Осиёнинг подшо Россияси қўшинлари томонидан истило қилиниши.

Мавзу тарихшунослиги. Подшо Россиясининг Ўрта Осиёда ўз таъсирини мустаҳкамлаш йўлидаги қатъий ҳаракатлари. Ингилиз - рус рақобатининг кучайиши. Чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликлари билан муносабатларининг кескинлашуви. Россия - Хива муносабатлари. Россия -Қўқон муносабатларининг кескинлашуви. Россия ва Қўқоннинг ҳарбий тўқнашуви.

1860 йиллардан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудларини тухтовсиз забт этиш. Туркистон генерал -губернаторлигининг ташкил топиши.

Бухоро амирлигига қарши кенг куламда уруш ҳаракатларининг бошланиши. Амир Мўзаффар қўшинларининг тор-мор қилиниши. Россия ва Бухоро амири ўртасида тўзилган шартнома (1868 и). Бухоронинг Россия вассалига айлантирилиши. Хива хонлигига қарши ҳужум режалари. Хиванинг забт этилиши. Адолатсиз Гандимён шартномаси (1873 й.12-август). Хива хонлигининг Россия вассалига айланиши.

Россия-Қўқон хонлиги шартномаси (1868 й.13-фев) Халқ норозилигининг сабаблари. Пўлатхон бошчилигида кўзғолон. Кўзғолоннинг хусусияти ва ҳаракатлантирувчи кучи. Пўлатхон кўзғолонининг бостирилиши. Қурбонжон додхоҳ ва Ёқуббек. Миллий-озодлик ҳаракатларининг бостирилиши ва унинг оқибатлари. Қўқон хонлигининг тугатилиши.

Туркистонда подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсати ва унинг хусусиятлари.

Туркистон Ўлкасини бошқариш ҳақидаги низом (1886) Туркистон Ўлкаси марказий бошқаруви.

Тошкент -Туркистон генерал - губернаторлиги маркази. Шаҳарни идора қилиш. Чор мустамлакачиларининг ер-сув сиёсати. Россия империясининг кучириш сиёсати, унинг сабаблари ва оқибатлари.

Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши, унинг асосий мақсадлари ва вазифалари. Халқ ҳаётининг қашшоқлашуви. XIX асрнинг 80-йилларида Фарғона водийсида норозилик ҳаракатлари. Халқ ҳаракатига қарши жазо тадбирларининг кучайтирилиши. Тошкентдаги 1892 йилги кўзғолон. 1898 йилги Андижон (Дукчи Эшон) кўзғолони.

XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Туркистонда мустамлакачилик сиёсатининг янада кучайиши. Туркистон - Россиянинг хом ашё манбаи. Халқ аҳволининг оғирлашуви. 1900 й., 1905-1907 йиллардаги норозилик ҳаракатлари.

Туркистон ўлкасида маданий ҳаёт. Халқ маорифи. Янги усул мактаблари. Рус-тузем мактаблари. Адабиёт ва ижтимоий фалсафий фикрлар. Тарих, археология ва этнография. Табиий фанлар. Санъат ва меъморчилик. Мусиқа санъати.

Ўлкада жаҳидлар ҳаракатининг бошланиши. Уларнинг атоқли вакиллари. Туркистонда чоризм махфий полициясининг ташкил қилиниши ва унинг жаҳидларга

муносабати. Туркистонда давлат думаси сайловларининг ўтказилиши ва унинг оқибатлари.

Биринчи жаҳон уруши ва унинг Туркистон ўлкасига таъсири. 1916 йилги миллий озодлик характеридаги кўзКолонлар. Уларнинг аҳамияти.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи. Бухоро - Россия муносабатлари. Бухоро ва Хивада маданий ҳаёт ва жаҳидчилик ҳаракатининг бошланиши.

Туркистонда шуролар истибдодининг ўрнатилиши.

Туркистон Шуро ҳокимиятининг дастлабки йилларида.

Мавзу тарихшунослиги. Россиядаги 1917 и. Феврал - буржуа демократик инқилобининг ғалабаси ва унинг Туркистонга таъсири. Ўлка аҳолисининг сиёсий курашга тортилиши. Жаҳидларнинг миллий-демократик кучларнинг етакчиси сифатида майдонга чиқиши. "Шурои ислом", "Шурои уламо", меҳнаткашларнинг турли қасаба уюшмалари, "Ислом меҳнаткашлари иттифоқи" ва бошқа ташкилотларнинг ташкил топиши ва фаолияти.

Бутун Туркистон мусулмонларининг I қурилтойи (16-апрель 1917) миллий мухторият ғояси. 1917 йил октябрь ойидаги ижтимоий - сиёсий вазият. Тошкентда қурулди кўзКолон. Шуро ҳокимиятининг ўрнатилиши.

Ўлка мусулмонларининг ғавқулдда IV қурултойи. Туркистон мухториятининг эълон қилиниши.

Совет ҳокимиятининг Туркистондаги иқтисодий чора-тадбирлари: ер, йирик саноат қорхоналари, транспорт, банклар, хусусий мулкчиликнинг тугатилиши ва давлат мулкига айлантирилиши.

Туркистон республикасининг озиқ-овқатга тааллуқли сиёсатининг туб аҳоли манфаатига зидлиги. Ҳарбий коммунизм сиёсати.

Ўлкада маҳаллий халқнинг истиқлолчилик ҳаракатлари.

Мавзу тарихшунослиги. Совет ҳокимияти томонидан Туркистон мухториятининг тугатилиши.

Туркистон Ўлкасидаги миллий-озодлик ҳаракатларининг янги босқичининг бошланиб кетиши. Унинг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари. Истиқлолчилик ҳаракатининг босқичлари, етакчилари. Кичик ва Катта Эргашлар, Муҳаммад Аминбек, Шермуҳаммадбек, Иброҳимбек Лоқай ва бошқалар.

Фарғона водийсида қарама-қаршиликларнинг кучайиб кетиши. ҳаракатнинг "Крестьянлар армияси" билан бирлашуви, Иркиштомда (22-октябрь 1919)ги қурбошилар қурултойи. Муваққат Фарғона ҳукумати. Фарғонадаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши. Совет ҳокимияти томонидан қўрилган сиёсий ва иқтисодий чора-тадбирлар.

Истиқлолчилик ҳаракатининг мағлубияти. Истиқлолчилик ҳаракатининг аҳамияти.

Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг тугатилиши. Халқ жумҳуриятларининг ташкил топиши.

Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият. Туркистон большевикларининг амир ҳукуматини ағдариш учун қилган ҳаракатлари. Колесовнинг Бухорога ҳужуми (1918й.март). "Ёш Бухороликлар", Бухоро Компартиясининг тузилиши. Фрунзе қўмондонлигидаги Туркистон фронти

қўшинларининг Бухорога хужуми. Бухоронинг бомбардимон қилиниши. Бухоро халқ республикасининг эълон қилиниши (1920).

1920 - 1930 йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

Мавзу тарихшунослиги. 20-йилларда Ўзбекистонда сиёсий вазият. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий парокандалик. Ер ислоҳоти. Халқ манфаатлари ва анъаналарининг инкор қилиниши. Хўжалик инқироzi. 1921 - 1922 йиллардаги очарчилик.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши. Миллий давлат ва сиёсий арбобларнинг бу масалага нуктаи назари ва уларнинг таклифлари. Ўзбекистон ССР нинг ташкил топиши. "Хужум" ҳаракати ва унинг оқибатлари. Республиканинг маъмурий-худудий бўлиниши. Тошкент (1930) Республиканинг пойтахти.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг шанлланиши. Қатоғонлик сиёсати. Миллий маданиятни қайта тиклаш, халқ турмушини яхшилашга интилган раҳбар ходимлар, зиёлиларнинг қатоғон қилиниши. Турар Рисқулов, Абдулла Раҳимбоев, Н.Турақулов, И. Хидиралиев, К. Отабоев, С. Хўжановлар. "Иноғомовчилик", «18 лар гуруҳи», «Қосимовчи»лар ишларининг тўқилиши.

30-йилларда партия ҳаётининг бутун ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий ва маданий соҳаларини бошқаришни ўз қулига олиши. Тазийқ кўрсатиш механизмнинг авж олиши. Рухонийлар, диндорларнинг таъкиб қилиниши. Диний адабиётларнинг йўқотилиши, инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши. Қатоғоннинг кучайиши. Ўзбекистондаги йирик давлат ва сиёсий арбобларга "халқ душмани" айбининг қўйилиши. Ф. Хўжаев, А. Икромов, С.Сегизбоев, А.Каримовларнинг ҳибсга олиниши. Машхур ўзбек ёзувчилари: Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир ва бошқалар - истибдоднинг бегуноҳ қурбонлари.

Коракалпоғистон Мухтор вилоятининг ҚҚАССРга айлантирилиши ва ЎзССР таркибига кириши. Маданий қурилиш.

Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши йилларида. (1939 - 1945 йиллар).

Мавзу тарихшунослиги. Иккинчи жаҳон уришининг бошланиши, унинг келиб чиқиши сабаблари ва характери Ўзбекистоннинг урушга тортилиши, умумий ҳарбий сафарбарлик.

Уруш йилларида республика халқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалигининг қайта қурилиши.

Уруш йилларида илм-фан ва маданият. Илмий тадқиқотларнинг барча мавзуларини фронт ва халқ хўжалиги эҳтиёжларига мувофиқлаштириш. Кучириб келтирилган илмий муассасаларда олимлар билан республика илмий жамоатчилик ҳамкорлиги ва унинг ижобий натижалари. Ўзбекистон фанлар академиясининг ташкил топиши.

Халқ таълими аҳволи: муаммолар, қийинчиликлар.

Адабиёт: Ҳамид Олимжон, Ғофур Ғулом, Абдулла Каҳҳор, Ойбек, Ойдин ва бошқалар.

Тасвирий санъат: Л.Абдуллаев, У.Тансиқбоев, Ч.Аҳмедов ва бошқалар.

